

Кимки бир кўнгли  
бузуғнинг хотирин  
шод айлағай,  
Онча борким,  
Каъба вайрон бўлса,  
обод айлағай.  
Алишер НАВОЙЙ

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

# Ishonch

2020 йил 23 май • шанба • № 51 (4336)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## АНДИЖОН МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ЙЎЛИДА ЯНГИ ЁНДАШУВЛАР, ЗАМОНАВИЙ ИСЛОҲОТЛАР МАЙДОНИ БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 21-22 май кунлари Андижон вилоятида бўлди.

Президентимиз ташрифнинг иккинчи кунини Андижон шаҳрида вилоят ва туманлар ҳокимлари, иқтисодиёт тармоқлари раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказди.

Коронавирус пандемияси туфайли бутун дунёга глобал инқироз таҳдид солиб турган бугунги кунда ҳар бир мамлакат ушбу қийин вазиятдан чиқиш йўллари изламоқда. Барча халқларда катта ташвиш уйғотган ушбу синов, қолаверса, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида юз берган офатлар ҳам халқимизнинг мардона иродасини бука олмади. Юртдошларимиз бугунги жуда мураккаб вазиятда муқаррар хавф-хатар олдида довдирамасдан, янада жипс бўлиб, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, эртанги кун учун кафолатли турмуш шароити барпо этиш йўлида давлатимиз томонидан амалга оширилаётган тизимли ислохотларга камарбаста бўлмоқда.

Андижон вилоятида ҳам коронавирус карантинидан босқичма-босқич чиқиш жараёнида иқтисодиётни тўлиқ юргизиш юбориш, аҳоли бандлиги ва даромадини таъминлаш, эҳтиёжмандларга ёрдам бериш ва камбағалликни қисқартириш бўйича тизимли чора-тадбирлар белгиланган. Йиғилишда карантин талабларига қатъий риоя қилган ҳолда, мазкур йўналишдаги ишларни давом эттириш бўйича янги ёндашув ва вазифалар муҳокама этилди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг бошида барчани Рамазон ҳайити билан муборакбод этди.

Вақт шиддат билан ўтапти. Ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа ғанимат. Пандемия туфайли кўпгина соҳалар ишламагани боис оилаларда қийинчиликлар бўлди. Карантин бўлишига қарамай, халқимиз билан бамавҷуат эртанги кунимиз учун тезроқ режалар қилиб олмасак эртага кеч бўлади, — деди Президент.

Иқтисодиёт тармоқларини

ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш, иш ўринлари ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Андижон вилоятида 40 мингдан зиёд муҳтож оила борлиги, саноат лойиҳалари, қишлоқ хўжалиги ва томорқачилик, оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик, ўзини ўзи банд қилиш ҳисобига уларга даромад манбаи яратиш зарурлиги таъкидланди.

— Бош вазир ўринбосарлари, ҳокимлар ва сектор раҳбарлари ҳар бир камбағал оила муаммоларини аниқ билиши, улар билан манзилли ишлаши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Энди ҳар бир секторда «Камбағалликни қисқартириш штаби» ташкил этилиши белгиланди. Бу штабларга иқтисодиёт, молия, меҳнат, инвестиция, солиқ идоралари ва банк вакиллари бириктирилади. Уларнинг иш ҳақи эришилган натижаларига кўра берилди. Солиқ идоралари текширувчи эмас, тадбиркорга кўмакчи бўлади.

— Статистик рақамлар билан шу пайтгача тўғри йўналиш қилиб бўлмади, халқимиз манфаат кўрмади. Таклифлар туманлардан, одамларнинг ўзидан чиқиши керак. Вазирлар, раҳбарлар кабинетда эмас, ҳудудларда, узоқ қишлоқларда ишлаши зарур. Шундай оғир шароитда фидойи бўлмаган раҳбар — хиёнаткор. Шу халқ учун ойлик олиб юрибсизлар. Давлат идораси вакили халққа қанча яқин бўлса, жойларда шунча натижа бўлади, адолат мезони таъминланади, — деб таъкидлади Президент.

Йиғилишда вилоятда янги қорхоналар ташкил этиш ва иш ўринларини кўпайтириш чора-тадбирлари батафсил муҳокама қилинди.

Жорий йилда 789 лойиҳа бўйича 7 триллион сўм инвестиция ўзлаштирилиб, 42 минг иш ўрни яратиш режалаштирилган. Тўқимачилик йўналишида умумий қиймати 106 мил-

лион доллар бўлган 13 лойиҳа амалга оширилиб, ип-калавани қайта ишлаш даражаси 78 фоизга етказилди, 278 миллион долларлик экспорт таъминланади.

Курилиш материаллари тармоғида 2020-2021 йилларда 74 лойиҳа самарасида 106 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Оилавий тадбиркорликка 353 миллиард сўм кредит, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 20 миллион доллар ажратилиши белгиланди.

Бўш турган биналардан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, аҳолини солиқдан озод қилинган 60 дан ортиқ турдаги қасба ўқитиш бўйича топшириқлар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев йиғилишда Андижон вилояти аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш, инфратузилмани ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Жорий йилда вилоятда 6 минг 196 та — ўтган йилгига нисбатан 2 баробар кўп уй қурилмоқда. Жумладан, «Қишлоқ қурилиш инвест» 5 қаватли 45 та, «Ўзшаҳар қурилиш инвест» Андижон шаҳрида 16 қаватли 4 та арзон уйлар қурилмоқда.

Давлатимиз раҳбари уй-жойга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашни янги тизимини жорий этиб, Андижон вилоятида 819 оилга субсидия ажратиш зарурлигини таъкидлади.

Жорий йилда урбанизация талаблари ва инфратузилма мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир туманда иккитадан замонавий қишлоқ қуриш лойиҳаси Андижондан бошланади. «Замонавий қишлоқ» — кўп қаватли уйлар қуриладиган, инфратузилма объектлари мавжуд, аҳоли учун барча шароит яратилган масканлар бўлади. «Замонавий қишлоқ» лойиҳаси бўйича қурилган уй-жойлар

бошқа дастурлар доирасида барпо этилган уй-жойлардан бирмунча арзонлиги билан ажралиб туради.

Бу йил 642 километр автомобиль йўли, 85 километр ичимлик суви тармоғи қурилиши ва таъмирланиши белгиланди.

Таълим сифатини яхшилаш, ўқувчиларни қизиққан касбига 7-синфдан йўналтириш бўйича кўрсатмалар берилди. Бу келгусида уларнинг бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

— Мени энг кўп ўйлантирадиган масала, бу ёшлар ва хотин-қизлардир. Уларга эътибор, кўмак керак. Билими, қўлида касб-ҳунари бўлса, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетади, дунёқарashi ҳам бошқача бўлади. Ота-онаси, оиласи ҳам давлатдан рози бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари вилоятдаги меҳнат бозори талабини, ҳудуддаги тадбиркорлик ва қурилиш инфратузилмаси соҳалари тез суръатларда ўсаётганини инобатга олиб, Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институтини ташкил этиш ва жорий йилдан қабулни амалга ошириш зарурлигини таъкидлади. Бундан ташқари, Тошкент давлат аграр университетининг филиали негизда Андижон қишлоқ хўжалиги институтини ташкил этиб, вилоятда аграр соҳа учун рақобатбардош кадрлар тайёрлаш юзасидан вазифалар белгилаб берилди.

Туризм соҳаси коронавирус сабабли тўхтаб қолган бўлса-да, аҳоли бандлиги ва даромадини оширишда муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Йиғилишда вилоятда ички туризм дастурини ишлаб чиқиш, унинг доирасида бошқа ҳудудлардан вилоятга ички саёҳатларни ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Хонобод шаҳрини Фарғона водийсининг туризм марказига айлантириш тақдирини ўйлаб, ушбу шаҳарда ер ости маъданли сув булоқлари мавжудлигини инобатга олиб, 10 гек-

тар ер ажратган ҳолда, маъданли сув брендини яратиш ва соғломлаштириш санаторияси ташкил этилиши белгиланди.

Маданият ва ахборот технологияларини ривожлантириш, жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосарлари, тармоқ раҳбарлари ҳисобот берди. Видеоалоқа орқали туман ҳокимлари ва фаолларнинг фикрлари эшитилди.

Президент Шавкат Мирзиёев шу кунни Хўжабод туманидаги кўп қаватли уйлар қурилишини бориб кўрди.

Андижон вилояти аҳолиси мамлакатимиз нуфусининг 10 фоизини, ҳудуди эса бор-йўғи 1 фоизини ташкил этади. Шу боис, шаҳар яқинидаги адир жойларда кўп қаватли уйлар қуриш орқали аҳолининг тобора ўсиб бораётган талабини қондириш чоралари кўрилмоқда.

Хўжабод туманининг Иттифоқ массивида 35 та уй қурилмоқда. Улар Андижон шаҳри, Андижон, Хўжабод, Булоқбоши ва Жалақудуқ туманларидаги уй-жойга муҳтож оилаларга берилиши кўзда тутилган. Шунингдек, бу ерда мактаб, тикувчилик цехи, спорт комплекси бунёд этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари қурилиш ишларидаги камчиликларни кўрсатиб ўтди. Бундай жойларда уйлар бунёд этиш мамлакатимизда янги тажриба эканини, уларни халқаро стандартлар асосида пишиқ, сифатли қуриш зарурлигини таъкидлади. Лойиҳани такомиллаштириш, аҳолига қулай транспорт йўналишлари ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Андижон вилоятига ташрифи якунланди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,  
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,  
ЎЗА махсус муҳбирлари



Давлатимиз раҳбарининг Фармонида мувофиқ, содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнглидан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган

**258 нафар фуқаро афв этилди.**



«Сардоба» сув омборида юз берган сув тошқинидан жабр кўрган

**196 нафар сирдарёлик хотин-қизлар ва болалар**



Андижондаги «Хонобод» сикатгоҳида саломатликларини тиклаб, хордик чиқариш учун жойлаштирилди.

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманида **Марказий Осёда ягона шифо маскани — Болалар миллий тиббиёт маркази** фойдаланишга топширилди.



Тошкент халқаро аэропортида **Туркия томонидан тақдим этилган инсонпарварлик юки** кутиб олинди.




Тожикистонда коронавирусга қарши курашда ёрдамлашган шифокорлар Ўзбекистонга қайтиб келди.



Тошкент вилояти Бўка туманидаги «Катта раво» МФЙ ҳудудда «Катта раво» баракани чеварлари корхонаси фойдаланишга топширилди.

## КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИНГ:

# Маънавий агрессия



Қозоқбой Йўлдош:

«Тил — миллатнинг сўнги қўргони. Шу қўргон ҳам бой берилса, миллат алоҳида бир этнос сифатида тугайди.»

## РАМАЗОН БАЙРАМИНИ 4 ҚАНДАЙ НИШОНЛАЙМИЗ? 4 САҲИФАДА ЎҚИҢ! →

Ҳайит намози ўқиладими?

## Бугунги КУН қаҳрамонлари

Бухоро вилояти коронавирусдан ҳоли ҳудудга айланди



Фидокор шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари билан Бухоро вилоятида ўтган даврда қайд этилган 442 нафар беморнинг барчаси бутунлай дардан фориғ бўлди.

Тошкент вилояти

Ҳаётнинг биз кутиб-кутмаган синовлари кўп. Ана шундай кезларда баъзан бошни қайси деворга ўришни ҳам билмай қолсан киши. Лекин ҳар бир машаққатнинг мукофоти бор. Бунга яхши намуналардан сирасидан. Оққўрғон туманида истиқомат қилувчи Салима Абдухалилова ҳам ана шундай метин иродали инсонлар сирасидан.

Ишчи гуруҳ

Тошкент вилоятида 2 минг 275 нафар хотин-қиз оғир турмуш шароитида яшаётганини аниқлади.

Шу йилнинг ўтган даврида вилоятда 831 та оилавий ажрим қайд этилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (1 минг 250 та) 419 тага ёки 33,5 фоизга камайган. Ишчи гуруҳ ёрдамида ажралиш арафасидаги 139 та оила яраштирилган.

Гап шундаки, унинг тўнғич фарзанди биринчи гуруҳ ногирони бўлиб қолди. Шундан буён Салима опа имконияти чекланган фарзандни парваришлаш билан машғул. На кўчага чиқади, на одамларга қўшилиди. Рўзгорнинг камини тўлдирдиша турмуш ўртоғига ёрдамлаша олмаётганидан бот-бот ўқинади. Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Республика ишчи гуруҳининг Тошкент вилоятига ташрифи туфайли унинг кўнглига хотиржамлик, хонадонига қувонч кирди. Ишчи гуруҳ бу оиланинг шароитини ўрганиб чиқиб, уй бекасига тикув машинаси тақдим этди. Энди тикувчилик қилиб, даромад топиш имконига эга бўлди.

Ишчи гуруҳ Салима опа сингари имконияти чекланган фарзанди, турмуш ўр-

Оққўрғонлик опа-сингиллар: ЭРТАМИЗ БОШҚАЧА БЎЛАДИ...

тоғи, онасига қараётган 17 нафар аёлни тикув машинаси билан таъминлади. Бундан ташқари, эҳтиёжманд аёлларга музлаткич, телевизор, кир ювиш машинаси, газ плитаси, микротўқинли печ каби рўзгорбоп буюмлар улашди. Соғлигини тикламоқчи бўлган хотин-қизларга сижат-гоҳларга йўлланмалар берилди. Деҳқончилик, боғдорчилик билан шуғулланман деган 50 нафар аёлга бир гектардан ер ажратилди.

Ишчи гуруҳ Тошкент вилоятида 2 минг 275 нафар хотин-қиз оғир турмуш шароитида яшаётганини аниқлади. Айни пайтда уларни оғир шароитдан чиқариш чоралари белгиланиб, ҳар бирига мутасаддилар бириктирилди.

Шу йилнинг ўтган даврида вилоятда 831 та оилавий ажрим қайд этилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (1 минг 250 та) 419 тага ёки

33,5 фоизга камайган. Ишчи гуруҳ ёрдамида ажралиш арафасидаги 139 та оила яраштирилган.

Ўтган йилда вилоятда 145 нафар хотин-қиз жиноятга қўл урган бўлса, 183 нафар аёл жиноят содир қилишда иштирок этган. 28 та ҳолатда ёш (18 ёшдан 30 ёшгача бўлган) қизлар жиноятчи бўлган. Жорий йилда аёллар ўртасида 58 та ўз жонига суиқасд қилиш ҳолати рўй берган (бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14 нафарга кам).

Тошкент вилоятидаги хотин-қизларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш борасида Ишчи гуруҳ томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди, – дейди Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раисининг Ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Раҳматилла Қорабоев. – Хусусан, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг амалий ёрдами билан биргина Ангрен шаҳридаги 20 та тадбиркорлик объектига 106 нафар аёл ишга қўйилди. Бундан ташқари, Оққўрғон туманидаги «Ширин-Ширинтой» НМТМни жиҳозлаш учун беш юз миллион, «Оққўрғон барака чеварлари» МЧЖ тикувчилик корхонасининг фаолиятини янада кенгайтириш учун бир миллион сўмлик маблағ ажратилди. Бу корхоналарда хотин-қизлар учун 285 та янги иш ўрни яратилди.


Ишчи гуруҳ Оққўрғон тумани марказида барпо этилаётган «Хотира майдони»нинг қурилиш-таъмирлаш ишлари билан ҳам танишди. Шундан сўнг Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси ҳисобидан оққўрғонлик ёшларга 382 мил-



лион сўмлик «New Holding TD 5» русумли трактор совға қилинди.

– Болалигимдан трактор ҳайдашга қизиқман, – дейди яп-янги улвини ҳаяжон билан бошқараётган Мафтуна. – Ҳайдашни тоғанинг эски тракторида ўрганганман. Бир кун ақотиб қолар, деган умидда трактор ҳайдашга ҳужжат олиб қўйган эдим. Адашмаган эканман. Илгари туманимиз ерларига асосан пахта экилган. Уша кезларда оққўрғонлик аёлларнинг кўпчилиги трактор ҳайдаган экан. Лекин у кунлар тарихда қолди. Ҳозир менга ўхшаб трактор ҳайдайдиган хотин-қизлар жуда оз.

Ишчи гуруҳнинг аҳоли фаровонлигини ошириш ва ёрдамга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлари давом этмоқда.



Фулумжон МИРАХМЕДОВ, «ISHONCH»

Наманган вилояти

Наманган вилояти касабаси уюшмалари ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда карантин даврида ҳам фаолиятини узлуксиз давом эттираётган бир қанча ишлаб чиқариш корхоналаридаги умумий вазият бўйича ўрганишлар олиб борди. Жорий йилнинг майига қадар вилоят бўйича 150 та корхона фаолияти ва ишчиларга яратилган шарт-шароитлар ўрганилиб, унда меҳнат муҳофазаси, карантин талабларига риоя этилиши масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.



Ишчилар манфаатлари доимий назоратда

Бугунги кунга қадар 70 та корхонада янги жамоа шартномалари қабул қилиниб, меҳнат муҳофазаси бўйича битимлар тузилди. Жамоа шартномалари қабул қилинган 80 та корхона раҳбарларига касабаси уюшмасига аъзолик афзалликлари бўйича тушунчалар берилди. Шу билан бирга, иш берувчиларга Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг коронавирус пандемияси даврида меҳнат масалалари бўйича ва меҳнат хавфсизлигига оид тавсиялари ҳам бериб берилмоқда.

Ўрганишларда иш берувчилар томонидан карантин даврида ишчи-ҳодимларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатлари аниқланмай, ушбу масалалар бўйича мунозаралар келиб тушмагани эътиборга олинди. Виловатимизда илгор технологияларга асосланган инфратузилмани кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида 10 га яқин янги корхона иш бошлади. Улардан бири «Art Soft Holding» масъулияти чекланган жамиятидир. Ҳозирги кунда ушбу корхона ўз фаолиятини янада кенгайтириб, Янгиқўрғон туманидаги Нанай қишлоғида «Тоғ гўзали» МЧЖ ташкил қилди ва янги цехлар ишга тушди.

Германия, Туркия ва Хитойдан келтирилган замонавий тикув дастгоҳлари ўрнатилиб, 150 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилган «Art soft tex» бренди остида момиқ сочқилар ишлаб чиқараётган корхонанинг экспорт ҳажми ошиб бораётгани ахамиятлидир.

Карантин даврида корхонада барча хавфсизлик қоидалари, тиббий гигиеник талабларга риоя қилинган ҳолда иш жараёни тўхтовсиз давом этмоқда. Киришда дезинфекция йўлақлари ташкил этилган.

Мирзаномир ҚОРАБОВ, Наманган вилояти касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси Меҳнатни муҳофазаси бўлими мудири



Нурилла ШАМСИЕВ, «ISHONCH»

Самарқанд вилояти

Президент топшириғига биноан Касаба уюшмалари Федерацияси раиси мутасаддиларида давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари билан иборат таркибда тузилган Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш бўйича республика Ишчи гуруҳи Самарқанд вилоятидаги 1096 та маҳаллада истиқомат қилаётган 5300 дан зиёд кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва нотинч оилалар аҳволини ўрганиб, улар дуч келаятган 6478 та муаммони аниқлашди. Уларни тизимли ва манзилли ҳал этиш борасида амалий ишлар бошлаб юборилди.

Ўз уйинг – ўлан тўшагинг

– Ўрганишлар натижасида вилоятдаги 198 нафар аёлнинг яшаётган уйлари таъмиртабалиги ва бунга улар ўзлари ундай оламлиги аниқланди, – дейди Самарқанд вилояти касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Сухроб Рафиқов. – Касаба уюшмалари томонидан уларга 100 тонна цемент, 3000 дона шифер, 100 куб метр тахта ва бошқа қурилиш ашёлари олиб берилди. Бу хонадонларда маҳаллий ҳокимликлар ва ҳомийлар кўмағида таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

Ўз уйинг, ўлан тўшагинг, деган гап бор. Аммо орамизда ўз бошпанасига эга бўлмаган оилалар, кўрпа-тўшагини ижара-ижара ортимоқлаб юрганлар ҳам етарлича топилади. Каттақўрғон тумани ҳокимлиги ва касабаси уюшмалари келишувига мувофиқ, ўн нафар ана шундай оила соҳиббасига янги уй қуриб берилди.

– Ўз уйига эга бўлмаган аёллар учун «Тарнов» маҳалла фуқаролар йиғини ху-



дудидидаги Жўрабоси қишлоғида 3 хонали 10 та намунавий уй-жойлар қад ростлайди, – дейди Каттақўрғон тумани ҳокими Ўриқбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Ш.Пўлатов. – Ушбу бунёдкорлик ишларига 1,5 миллиард сўм миқдорда маблағ сарфланди. Янги уйлارга кетадиган сарф-харажат касабаси уюшмалари ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қопланади. Бу уйлارни қуриш ишлари ҳам бошланди.

Каттақўрғонда аёллар муаммоси изчил ҳал этилди. Ўтган вақт мобайнида туманда яшаётган 176 нафар хотин-қиз ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. 27 нафар аёл иккинчи мутахассисликка ўқитилиб, иш билан таъминланди. Хуқуқбузарлик содир этган 16 нафар хотин-қизга ҳомийлар бириктирилди.

Афсуски, беш қўл баробар эмас. Ўз хонадонини рисоладагидек бутлаб олишга қурби етмаётган оилалар деярли ҳар бир маҳаллада топилади. Ҳаётда у ёки бу са-


Аммо, иложи бўлмади... Биз каби қийналганларни ўйлаётган давлатимизга, Президентимизга раҳмат!

УЛАР ИШЛИ БЎЛДИ

Ўрганишлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, барча муаммолар негизда моддий етишмовчилик ва ишсизлик масаласи турибди. Чунки аксарият аёллар бир марталик моддий ёрдамдан кўра, бандлик, яъни ишли бўлишни афзал кўришмоқда.

Ишчи гуруҳ томонидан ўрганилган 100 га яқин хонадон бекалари тикув машинаси орузида экани аён бўлди. Уларнинг бу истаги қондирилди.

Нурободлик беш нафар чеварга аталган замонавий тикув машиналари ўз эгалари қўлига туман ҳокими Ф.Зоиров иштирокида етказилди. Синови дамларда ҳар бир хонадонни назардан қочирмаётган туман раҳбари барча тикувчиларга касаначилик асосида иш юритиш, мўмай даромад олишга кўмаклашиш



ким Д.Мусинов замонавий тикув машиналарини етказиб берди.

– Ҳокимимиз тез-тез маҳалламизга келиб, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиб, кўмак кўрсатиб келади, – дейди «Бошқўраш» маҳалласида яшовчи Ойширин Тўрақуллова. – Тикув машинасига

Ишчи гуруҳ фаолияти

вакиллари кутиб олганда Жомбой тумани «Зарафшон» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Сожида Арслонова. Оиланинг кам таъминлангани инобатга олинди. Муҳтожга, қийналган аёлга ёрдам кўрсатиш – бурч, вазифа. Унинг бу илтимоси ҳам ерда қолмади.


Ижтимоий муҳофазатга муҳтож оилаларнинг аксариятида оғир дард билан олишаётганлар яшайди. Сурункали касаллики даволаш учун топан-тутганининг катта қисми дори-дармонга сарфланиши эса ҳеч кимга сир эмас. Ана шундай 136 нафар хотин-қизнинг пластик карталарига дори-дармон учун 314,3 миллион сўм моддий ёрдам ўтказиб берилди.

– Табиб табиб эмас, боши ёстиққа теккан табиб дейишади. Беаёв дард билан олишаётганимга анча йил бўлди. Жонинг оғриб турганда кўзингга ҳеч нарса кўринмас экан. Уйдагилар ҳам сенинг бу ҳолингни кўриб, бошқа ҳамма нарсани йиғиштириди-да, топганига дори-дармон олади, – дейди Булунғур тумани «Олмасор» маҳалласида яшовчи Адашхон Қаҳқорова. – Касаба уюшмаларидан дори-дармон учун ўтказиб берилган маблағ қора кунимизга яради.

Пастдарғом тумани «Янги санаот» маҳалласида яшовчи Мадина Ортиқова ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қийналган аёл. Фарзандларига ёлғиз ўзи бош-қош бўлгани етмагандек, турмуш ўртоғининг тумна ногирон орасига ҳам қаради. Оила бошлиғи эса... қамоқ жазосини ўтамоқда. Ҳар тугул эр, ота. Ҳолидан хабар олишга ҳам маблағ топа олмади. Бу оиланинг ҳам шароити тушунилди.

– Дастурга мувофиқ, 3 оилага иссиқхона қуришда, 7 оилага қорамол сотиб олишда, бир нафар аёлга сартарошхона очишда кўмаклашиш режалаштирилган, – дейди Самарқанд вилояти касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Ўриқбосари Бекзод Ўролбоев. – Карантин шароитига қарамасдан, белгиланган вазифани ўз фурсатида амалга ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Вақт талаб қилинадиган юмушлар устидан касабаси уюшмаларининг қатъий назорати ўрнатилган. Президентимиз топшириғини бекам-у кўст адо этилди. Бизнинг диёримизда ҳеч ким ҳеч нарсага зориқиб, ҳаётдан норизо бўлиши мумкин эмас. Аёллар рози экан, дунё яшнагай!

Нурилла ШАМСИЕВ, «ISHONCH»



Аёл рози бўлса, олам яшнагай!

ниятида.

– Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган бундай ғамхўрликка муносиб меҳнат билан жавоб бериш керак, – деди ҳоким чеварлар билан учрашувда. – Бир хунари қўл, биргина дастоҳ битта оилани эмас, балки бутун бошли маҳаллани боқиб туриш мумкин. Гапнинг бари унинг соҳиббуда, ғайрат-шижоатида. Дунёдаги энг машҳур чеварлари ҳам, миллион-миллион даромад қилаётганлар ҳам ана шундай битта дастоҳ орқасидан бойитган. Умид қиламанки, туҳфа олган бизнинг чеварлар ҳам ана шундай даражаларга ета олади.

Орузи ушалган Сарвиноз Ражабова, Фароғат Каримова ва Мухайё Ҳужажулова ишонччи оқлаш, давлатимизнинг ғамхўрлигидан унумли фойдаланиш истагини билдиришди.

– Кишлоғимиз обод бўлди. «Обод қишлоқ» дастури туфайли кўчаларимиз раво ва шинам. Ана шундай гўзал гўшада ишсиз уйда ўтирганимдан азобланардим, – дейди «Гирдиқўрғон» маҳалласида яшовчи Меҳробод Очилова. – Энди қўлимизда гўдайд хунарни ишга солиш имконияти бор. Маҳалламиздаги қизларга тикиш-бичишдан сабоқ беришни кўнглимга тугиб қўйганман.

Ишчи гуруҳ Пайриқў туманидаги 65 та маҳалладаги 430 та кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар аҳволини ҳам ўрганди. Бу хонадонларда истиқомат қилаётган 12 нафар аёл тикувчи бўла туриб, ишсиз экан. Улар тикув дастоғи бўлса, ўз оиласига, қўлаверса, ён афрогадиларга ҳам фойдаси тегишини билдириш эди. Пайриқўлик аёлларнинг бу талаби ҳам қондирилди. Туманининг турли ҳудудларида яшовчи хунарманд аёлларга касабаси уюшмалари вакили ва туман хо-

МАДАДАН РУҲЛАНИБ...

Ишчи гуруҳи ўрганишларида 41 хонадоннинг газ плитаси, 30 хонадоннинг газ баллони, 4 оиланинг эса телевизор, яна 4 оиланинг музлаткичга эҳтиёжи борлиги аниқланди. Бу истаклар ҳам амалга ошмоқда.

– Хонадонимизга келган ўрганишчиларга оиламизни қийнаб келаятган муаммони айтганим. Тўғриси, бу масаланинг ечилишига ишонмадим, – дейди Каттақўрғон тумани «Валижон» маҳалласида яшовчи Шаҳрибону Қанонова. – Электр энергиясидан вақтида тўлов қила олмаганимиз боис 1 миллион 435 минг сўм қарздор бўлиб қолгандик. Қарзни рўзгордан орттириб узишга имкон топмай, бошимиз қотганди. Касаба уюшмалари кўмағида бу муаммомиз барҳам топганидан хурсандимиз.

– Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, уйимизда телевизор йўқ, – дея ишчи гуруҳ

**САВОЛ:** Шифокорман. Пенсия ёшидаман. Қандли диабет билан «Д» назоратида тураман. Туман КТМПда ишлайман, 1-тизимда. Иммунитетим паст. Карантин даврида маошим сақланган ҳолда уйда қолишга ҳаққим борми?

**ЖАВОБ:** Афсуски, йўқ. Амалдаги меҳнат қончилиги бундай ҳуқуқни назарда тутмайди. Аммо Президентнинг 2020 йил 19 мартдаги «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг 18-бандида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирига, жумладан, карантинга оид чоралар амал қилиши даврида иш берувчилар ҳодимларни, айниқса, ҳомиладор аёллар, кексалар, имконияти чекланган ҳамда сурункали касалликка чалинган шахсларни, уларнинг розилиги билан, масофадан туриб ишлаш

усулига, қулай иш графигига ёки уйдан туриб ишлашга ўтказишлари мумкинлигини назарда тутувчи тартибни жорий қилиш топширилган. Шунга биноан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирига 2020 йил 25 мартдаги 9-2020/Б сонли буйруғи билан Карантинга оид чоралар амал қилиш даврида ходимларни масофавий иш усулида, мослашувчан иш графигига ёки уйда ишлашга ўтказишнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган (Адлия вазирига 2020 йил 28 мартда 3228-рақам билан рўйхатга олинган).

Ушбу низомда белгиланган тартибга кўра, иш берувчи тегишли ходимни

масофавий иш усулига ёки мослашувчан иш графигига ёхуд уйда ишлашга ўтказиши мумкин.

Ходим фақат қонунчиликда белгиланган ҳоллардагина иш ҳақи сақланган ҳолда ишга чиқмаслиги мумкин. Масалан, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида, қон топирувчи донор бўлса, қон топирадиган куни ва унинг эртасига, меҳнат таътилида бўлганда, агар халқ маслаҳатчиси бўлиб сайланган бўлса, суд мажлисида халқ маслаҳатчиси сифатида иштирок этадиган даврда, ҳарбий мажбурият билан боғлиқ чақирувларда иштирок этиш даврида ва ҳ.к.



Ундан ташқари, бугунги кундаги вазиятни ва саломатлигинингизни инобатга олган ҳолда, Сизга иш берувчининг розилиги билан қисман иш ҳақи сақланган таътил берилиши ҳам қонунчиликда таққиланмаган.

**САВОЛ:** Мен заводда ишлайман. Эртадан узлуксиз 15 кун (иш жойимдан кетмаган ҳолда) ишлашимни айтишди. Муаммо шундаки, уйда кекса онам ва мен (фақат иккимиз) яшаймиз. Агар мен 15 кунга ишга кетсам, уйда онам ёлғиз қолади. Шунинг учун иш жойимдан меҳнат таътили олишга ҳаққим борми?

**ЖАВОБ:** Бу ҳолат Меҳнат кодекси бўйича «меҳнат шартларини ўзгартириш» деб баҳоланади.

Иш берувчи ходимнинг розилигисиз меҳнат шартларини ўзгартиришга фақат технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажмининг қисқарганлиги, баъшарти бундай ўзгаришлар ходимлар сони ёки ишлар хусусиятининг ўзгаришига олиб келиши олдиндан аниқ бўлган ҳоллардагина ҳақлидир.

Иш берувчи айрим тоифадаги ходимлар учун меҳнат шартларини ўзгартириш хусусида корхонадаги ходимларнинг вакиллик органлари билан олдиндан маслаҳатлашиб олиши керак.

Иш берувчи меҳнат шартларидаги бўлажак ўзгаришлар ҳақида ходимни камида икки ой олдин

ёзма равишда огоҳлантириб, тилхат олиши шарт. Кўрсатилган муддатни қисқартиришга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Ходим билан меҳнат шартномаси у янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришни рад этганлиги сабабли бекор қилиниши мумкин, бунда ходимга ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади.

Демак, сиз янги иш режимига юқоридаги қоидаларга амал қилингандан кейингина жалб этилишингиз мумкин.

Таътил эса иш берувчи томонидан қасаба уюшмаси билан келишган ҳолда тасдиқланган меҳнат таътиллари бериш жадвалига биноан берилди.

Жадвалдан ташқари вақтда иш берувчи билан келишган ҳолда таътил олишингиз мумкин бўлади.



# Пандемия ва карантин сабаб...

## ходимлар ва иш берувчилар томонидан энг кўп берилётган саволларга жавоблар

**САВОЛ:** Мен боғча тарбиячисининг ёрдамчиси бўлиб ишлайман, коронавирус сабабли 16 мартдан 10 апрелгача 2019-2020 йил меҳнат таътилини олдим. Энди боғчамиз ишга тушгунича бизга иш ҳақи тўланадими?



**ЖАВОБ:** Президентнинг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сонли Фармонининг 17-бандида давлат бюджетидан молиялаштириладиган ва ўз фаолиятини тўхтатган мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари, спорт ва маданият муассасалари ходимларининг иш ҳақларини ўз вақтида тўлаб берилишини таъминлаш вазифаси Молия вазирига ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирига юклатилган.

**САВОЛ:** Ишчининг ойлик маоши раҳбарият билан келишилган ҳолда, дейлик, 350 минг сўмга камайтирилса, лекин амалда ишчининг маоши 600 минг сўмга камайтирилган бўлиб чиқса, ишчи ўз ҳақини талаб қила оладими?

**ЖАВОБ:** Ҳа албатта. Меҳнат кодексининг 156-моддасига биноан, Меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари қайси тартибда ўрнатилган бўлса, уша тартибда ўзгартирилади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг яқка шартларини ходим учун ноқулай томонга ўзгартиришга унинг розилигисиз йўл қўйилмайди. Истисно тарихида бундай ўзгартиришга: технологияда, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишда ўзгаришлар юз берган тақдирда, баъшарти меҳнатга ҳақ тўлашнинг аввалги шартларини сақлаб қолиш

мумкин бўлмаса; қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда йўл қўйилиши мумкин.

Бўлажак ўзгартириш ҳақида ходим камида икки ой олдин огоҳлантирилиши лозим. Қонуннинг юқорида келтирилган нормасидан ҳўлоса шуки, иш ҳақингиз Сиз билан келишилган ҳолда ўзгартирилган, яъни унинг миқдори аниқ белгиланган бўлса-да, иш берувчи бу келишувни бир тарафлама бузган ҳолда келишилган ҳам кам ҳақ тўлаган.

Сиз келишилган иш ҳақининг тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

**САВОЛ:** Бугунги кунда ОАВда коронавирус пандемиясига қарши курашаётган тиббиёт ходимлари ойлик лавозим маошига 6 фоз миқдорида ҳар кунлик қўшимча тўловлар жорий этилгани айтилмоқда. Биз тез тиббий ёрдам кўрсатиш ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимида ишлаймиз ва муружаатга асосан турли касалликларга чалинган фуқаролар билан мулоқотда бўламиз. Шунга асосан бизнинг тоифамиздаги ходимларга ҳам ойлик лавозим маошига 6 фоз миқдорида ҳар кунлик қўшимча тўловлар тўланадими?

**ЖАВОБ:** Президентнинг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сонли Фармони 17-бандида Молия вазирига, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирига, Соғлиқни сақлаш вазирига билан биргаликда тиббиёт, санитария-эпидемиологик ва бошқа ходимлар коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинадиган даврда уларнинг ойлик лавозим маошига 6 фоз миқдорида ҳар кунлик қўшимча тўловлар жорий қилиш бўйича топширик берилган.

Ушбу Фармон асосида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинган тиббиёт, санитария-эпидемиологик ва бошқа ходимларга ойлик лавозим маошига 6 фоз миқдорида ҳар кунлик қўшимча тўловлар тўланиши шарт. Шунингдек, Адлия вазирига томонидан 11.02.2000 йил 895-сон билан рўйхатга олинган «Бюджет маблағларини эпидемия-

ларга қарши кураш бўйича тадбирларга сарфлаш ва эпидемияларга қарши кураш учун юбориладиган тиббиёт ва бошқа ходимларнинг хизмат сафарлари харажатларини тўлаш тартиби тўғрисида Йўриқнома»нинг 16-бандида эпидемиялар ва юқумли касалликлар бирдан авж олиш ҳолатлари билан курашишга юбориладиган тиббиёт ва бошқа мутахассисларнинг хизмат сафари харажатлари ойлик маошининг 6 фози миқдорида суткали ҳақ тўланиши белгиланган.

Юқоридагиларга асосан, агар тез тиббий ёрдам кўрсатиш ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимида ишлайдиган тиббиёт ходими коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинмаган бўлса, уларга ойлик лавозим маошининг 6 фози миқдорида ҳар кунлик қўшимча тўловлар тўланмайди.

**САВОЛ:** Меҳнат кодексидан иш берувчининг ходимлар меҳнатини ташкил қилиши, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини яратиб бериши, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаши, меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этиши, ходимларнинг эҳтиёж ва талабларига эътибор билан қараш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаб бориши шартлиги белгиланган.

Иш берувчи Коронавирус пандемияси даврида ишлаётган ходимларга қандай шароит яратиши керак?



**ЖАВОБ:** Биринчидан, 22 мартдан бошлаб жамоат транспорти (автобус, метро ҳамда йўналишли такси) қатновлари вақтинча тўхтатилгани муносабати билан иш берувчи ходимларни ишга бориб-келиш учун дезинфекцияланган транспорт воситаси билан таъминлаши керак.

Иккинчидан, ходимларга хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган иш шароитларини яратиши керак. Бунда, меҳнат шартномаларига қўйилган талаблар билан бирга, антисептик воситалар, тиббиёт ниқоблари билан таъминлаш, шунингдек, дезинфекция чораларини амалга ошириш зарур.

Учинчидан, иш жойида ходимларнинг тана ҳароратини ўлчаш учун шароит яратиб, иситмаси бўлган ходимларни ишдан четлатиши шарт.

Тўртинчидан, тушлик вақтида иссиқ овқат билан таъминлаши зарур.

Бешинчидан, ходимлар ўртасида масофа сақланишига шароит яратиб бериши керак.

Олтинчидан, иш ҳақини ўз вақтида тўланиши шарт.

Еттинчидан, ходимларни белгиланган иш вақтидан ортиқча ишлатмаслик зарур. Чунки толиқиш инсонда иммунитетнинг пасайишига олиб келади.

**САВОЛ:** Талаб қилган пайтда раҳбарият ҳал қиламиз деб, икки кундан кейин таътилга чиқариб юбориб, меҳнат таътилидан қайтганида, ишдан бўшадинг деб, карантин тугаганда ҳужжатларингни олиб кетсан, бошқа ҳеч қандай тўлов йўқ дейиши қай даражада тўғри?

**ЖАВОБ:** Бу умуман қонуний эмас. Биринчидан – меҳнат таътилга мажбурий чиқариш (қасаба уюшмаси билан келишган ҳолда иш берувчи томонидан тасдиқланган меҳнат таътиллари бериш жадвали бўйича таътил бериш бундан мустасно) мумкин эмас. Иккинчидан – меҳнат шартномасини бекор қилиш (ишдан бўшатиш) меҳнат қончилигида белгиланган асосларга, тартиб-қоидаларга қатъий амал қилган ҳолдагина мумкин.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари Меҳнат кодексининг:

87-моддасида (дастлабки синов муддати тугагунга қадар ҳар бир тараф иккинчи тарафини уч кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолда иш берувчи меҳнат шартномасини синов натижаси қониқарсиз бўлгандагина бекор қилиши мумкин);

97-моддасининг 1-(тарафларнинг келишувига кўра. Ушбу асосга биноан меҳнат шартномасининг барча турлари исталган вақтда бекор қилиниши мумкин) ва 6-бандида (янги муддатга сайланмагани (танлов бўйича ўтмагани) ёхуд сайланишда (танлов) қатнашишни рад этгани муносабати билан);

98-моддасида (Корхона мулкдори алмашганда, худди шунингдек, корхона қайта ташкил этилганда (қўшиб юборилган, бирлаштирилган, бўлиб юборилган, қайта тузилган, ажратилганда) янги мулкдор корхонанинг раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир);

99-моддасида (ходим ному-айян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам, икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир);

100-моддасида: 1) технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқаргани ёхуд

2) технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқаргани ёхуд

3) ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузгани;

4) ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузгани;

5) ўриндошлик асосида ишлайдиган бошқа ходимнинг ишга қабул қилиниши муносабати билан, шунингдек, меҳнат шартларига кўра ўриндошлик иши чекланиши сабабли ўриндошлар билан меҳнат шартномасининг бекор қилинган;

6) корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини амалга

оширувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномаси мулкдорнинг алмаиши сабабли бекор қилинган;

7) ходимнинг пенсия ёшига тўлгани, қонун ҳужжатларига мувофиқ, ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда);

105-моддасида (Муддатли меҳнат шартномаси муддати тугаши билан бекор қилинади);

106-моддасида:

1) ходим ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилган тақдирда;

2) шу ишни илгари бажариб келган ходим ишга тикланган тақдирда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ва Сенатда доимий асосда ишлаган Сенат аъзоси ваколатлари муддати тугагани ёки Қонунчилик палатаси ҳамда Сенат тарқатиб юборилгани муносабати билан аввалги лавозимига (ишига) қайтган тақдирда;

3) ходимни жазога маҳкум этган суднинг ҳукми қонуний қучга кирган тақдирда, баъшарти бунинг натижасида ходим аввалги ишини давом эттириш имкониятидан маҳрум этилган бўлса, шунингдек, ходим суднинг қарорига биноан ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасасига йўланган тақдирда;

4) ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар бузилгани муносабати билан, агар йўл қўйилган қоидабузарликни бартираф этишнинг имкони бўлмаса ва у ишни давом эттиришга тўсқинлик қилса;

5) ходимнинг вафоти муносабати билан;

6) қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда) назарда тутилган асосларга кўра бекор қилиниши мумкин.

Сизнинг саволингиздан юқорида қайд этилган асослардан бирортаси ҳам мавжуд эмаслигини кўринади. Демак, иш берувчининг ҳаракати қонунга зид бўлиб, сиз ишга тикланишни талаб қилишга ҳақлидир.

# РАМАЗОН БАЙРАМИНИ ҚАНДАЙ НИШОНЛАЙМИЗ?



Нуриддин ХОЛИХОНОВ, Тошкент шаҳар бош имом-хатиби

## Ҳайит намози ўқиладими?

Бу йилги ойлар султони – Рамазон ҳар қачонгидан ҳам ўзгача кечди. Коронавирус инфекцияси тўғрисидаги эълон қилинган карантин сабаб бу йил Рамазон ойида юртимизнинг барча мўмин-мусулмонлари ўйлариди оила аъзолари билан биргаликда тарових намозларини ўқиб, Қуръони Каримни хатм қилишди.

ёноти эълон қилинди. Унга кўра, масжидларда карантин даврида вақтинча жамоат намозлари тўхатилгани инобатга олиниб, Рамазон ҳайити намозини ўқиш мўмин-мусулмонларнинг зиммасидан соқит бўлгани қайд этилган. Юртдошларимизга ҳайит кунини қуёш терак бўлиб кўтарилгандан кейин ўз хонадонлариди тўрт ракатли нафл намози ўқишлари тавсия этилди.

Биласиз, динимизда ҳар бир нарсанинг далили бор. Ҳанафий мазҳабимизга кўра, ҳайит намозини бирор уэр сабабли масжидда катта жамоат билан адо этиш имкони бўлмаса, уни уйда алоҳида жамоат билан ўқиш жоиз эмас. Мазҳабимизнинг мўътабар фикрий манбаи бўлган «Баҳрур роиқ» асариди бундай дейилади: «Имом билан бирга ийд намозини адо этиш имкони бўлмаса, у қазо қилинмайди. Чунки шариатида ийд намозини маълум шартларга кўра ўқиш маълум бў-

лим, ёлғиз ўқувчи киши учун ушбу шартлар мукамал бўлмайди». Ҳайит намози дуруст бўлиши учун ҳайит намозининг ўқилишига умумий рухсат (изни омма) бўлиши ва ҳайит намозини одамларга муфтий томондан тайинланган киши ўқиб бериши керак. Ҳайит намози уйда ўқилганда мана шу шартлар топиламайди, натижада намоз дуруст бўлмайди. Бу ҳақда Ибн Обидун раҳимахуллоҳ бундай дейди: «Умумий рухсат – жоме масжиди очилиб, одамлар киришига рухсат бўлишидир. Ҳатто, агар масжидда бир жамоат йиғилиб, эшикни ёпиб олиб жума (ёки ҳайит) намозини ўқисалар, намозлари дуруст бўлмайди» («Раддул мухтор» китоби).

**«МАЖМАЪУЛ АНХУР» КИТОБИДА ЁЗИЛИШИЧА: «ҲАЙИТ НАМОЗИ ЗУҲО НАМОЗИ ЎРНИГА ҚЎЙИЛГАН. ҲАЙИТ НАМОЗИ БИРОР УЭР САБАБЛИ ЎҚИЛМАЙ ҚОЛСА, ИККИ ЁКИ ТЎРТ РАКАТ НАФЛ НАМОЗ ЎҚИШ МУСТАҲАБ БЎЛАДИ. ТЎРТ РАКАТ ЎҚИГАН АФЗАЛ».**

Демак, биз бу йил корона-

вирус инфекцияси тўғрисидаги эълон қилинган карантин сабабли уйларида ҳайит намози ўрнига нафл намоз ўқиймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни Рамазон ҳайити муносабати билан самийий муборакбод этамиз. Барчамиз уйда, оила даврасида қолиб, карантин қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда байрамни нишонлаймиз. Зеро, динимизда зарарни даф қилиш фойдани жалб қилишдан олдинга қўйилади.

Рамазон ойи ҳам поёнига етди. 21 май кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Ушбу ҳужжатга биноан Рамазон ҳайити юртимизда жорий йил 24 май кунини нишонланади.

Айни пайтда барча мўмин-мусулмонларни «Рамазон ҳайитини қандай нишонлаймиз? Ҳайит намози ўқиладими?» деган саволлар ўйлантираётгани табиий.

Қолаверса, кеча айрим сайтларда Саудия Арабистони Уламолари Кенгаши раиси Абдулазиз Шайхнинг бу йилги Рамазон ҳайити намозини уйда ўқишга рухсат бергани тўғрисида хабарлар тарқалди.

Ушбу мамлакатимизда ҳам ушбу фатвога риоя қилинадими?

Авалло, таъкидлаш жоизки, юртимизда Ҳанафий мазҳабига қатъий риоя қилинади. Саудияликлар эса Ҳанбалий мазҳабини тутушган. Шу боис, ўқувчига тушунарли бўлиши учун бу масалага ойдинлик киритишни лозим топдик.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар Кенгашининг 2020 йил Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисидаги Ба-

бимизга кўра, ҳайит намозини бирор уэр сабабли масжидда катта жамоат билан адо этиш имкони бўлмаса, уни уйда алоҳида жамоат билан ўқиш жоиз эмас. Мазҳабимизнинг мўътабар фикрий манбаи бўлган «Баҳрур роиқ» асариди бундай дейилади: «Имом билан бирга ийд намозини адо этиш имкони бўлмаса, у қазо қилинмайди. Чунки шариатида ийд намозини маълум шартларга кўра ўқиш маълум бў-

Шўро қўшинининг сўнгги қисми Термиздаги Ҳайратон кўпригидан ўтганига 31 йилдан ошди. Умрининг энг навқирон дамларини қонли жанг-гоҳларда ўказган, юзлаб сафдошлари ичида тирик қайтган авлоднинг ёши бугун 50 дан ошиб, 60 га қараб кетмоқда. Тузум сиёсатининг ғайри-ихтиёрий қурбонига айланган, ҳаётини нимага гаровга қўйганини ҳатто билмай, ўзга юрт тупроғига қурол ўқталиб кирган ўспиринлар мўдҳиш ва аянчли хотираларни унута олармиди?

## Урушнинг ўчмас изтироблари

Биз сўз юритмоқчи бўлган қаҳрамон – Алижон Беғалиев 1985-1987 йиллар орасида Афғон урушида қатнашган. – Ушанда 18 ёшда эдим, – дея хотирлайди қаҳрамонимиз. – 1985 йилда САМ-Пига ўқишга кирдим. Шу йилнинг ноябрь ойида уйдан «босиб» олиб кетишди. Биз урушга кетаётганимизни билмаганимиз. Эшелон билан Туркманистонга тайёрловга, ундан тўғри Афғонистонга юборишди. Уша пайтдаги аҳолимизни фақат шу ҳолга тушган одамгина тасаввур қила олади... Биз жанг майдонида эдик. Сапёрлар ротасида хизмат қилдим. Уйдагилар бундан хабар топиб, тиббиёт соҳасида ўқишни ҳақида маълумот юборишга, фельдшерликка ўтказишди. Сал аввал кўрган сафдошларини жанг майдонидан олиб чиқиш оғир эди.



Ҳаётини ёдга олар экан, Алижон Беғалиев шундай дейди:

– Афғон уруши билан боғлиқ хотиралар ҳалигача мени тинч қўймайди. Босиб, аскарини жанггоҳда ҳар дам ўлим шарпеси таъқиб қилади. Ҳар овозлари, танклар, миналар портлаши, юзлаб қурбонлар ўша пайтларда ҳам биргина илинж Афғонистоннинг ватандош тоғлари ортида ўз батанинг борлигини ҳис қилиб, эсон-омон қайтишга умид боғлайсан.

Бошимиздан ўтганлари катта бир китоб бўлади. Урушдан қайтган, қонни, ярадорларни, ўлимни кўп кўрдим деб, медицина соҳасида ўқишни давом эттиришни истамадим. 1988 йилда Юридик университетга ҳужжат топширдим. Кейинги ҳаётим ҳам бевосита ҳуқуқ соҳасига оид бўлди. Кунда ҳалқ қорига яраш, инсонларга яхшилик

қилишдан-да муҳим иш йўқлигини англадим.

Афғон уруши инсоният хатоси сифатида минг-минглаб инсонлар ёстигини қуритган, оилаларни нотинч қилган, ҳаёт маромини издан чиқарган воқеа бўлиб тарихга муҳрланди. Унинг изтироблари ҳалигача уруш қатнашчиларини тинч қўймайди. Суҳбатдошимиз айтганидек, тинчликнинг қадрини нархи бебаҳо. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, осойишта кунларнинг қадр-қимматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Дарҳақиқат, шундай оғир даврларни бошидан ўтказган бўлса-да, матонат билан яшаб, шу юрт равнақи учун ҳисса қўшган ва қўшиб келаётган бу авлод вакиллари ўсиб келаётган ёшлар учун ўрнак, тарихнинг жонли кўзгусидир.

Аъзам АБУЛҲАЙЗОВ, «ISHONCH»

МУАССИС: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. ISSN 2020-5002. 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари тахрир ҳайъати:

- Қудратилла РАФИҚОВ (тахрир ҳайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қўтлимурот СОБИРОВ, Сухроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Темура МАМАЖОНОВ, (Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Doverie» бўйича), Меҳридин ШУКУРОВ, (Маъсул котиб – «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Маъсул котиб – «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69. Ҳуқуқ ва ҳалқаро ҳаёт – (71) 256-52-89. Миллий-маънавий кадрларнинг таълим ва спорт – (71) 256-82-79. Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43. Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73.

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, тахлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишигиз мумкин.

## Аукцион савдолари хабарномаси

### «BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти такрорий аукцион савдоларига таклиф этади!

- I. 2020 йил 9 июнь кунини соат 11:00да ташкил қилинадиган савдоларга «GALA OSIYO TRANS PLYUS» МЧЖнинг 13.05.2020 йилдаги 7-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидида қуйидаги қишлоқ хўжалик техникалари ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибидида қўйилмоқда: 1-ЛОТ. 1984 йилда и/ч, «МТЗ-80Л» русумли, д/р 80/701 DA бўлган трактор. Бошланғич баҳоси – 11 015 000 сўм. 2-ЛОТ. 1996 йилда и/ч, «МТЗ-80Л» русумли, д/р 80/700 DA бўлган трактор. Бошланғич баҳоси – 14 174 000 сўм. 3-ЛОТ. 1984 йилда и/ч, «МТЗ-80» русумли, д/р 80/702 DA бўлган трактор. Бошланғич баҳоси – 11 015 000 сўм. II. 2020 йил 9 июнь кунини соат 11:30 да ташкил қилинадиган савдоларга «GIUDUVON SANOAT TRANS» МЧЖнинг 13.05.2020 йилдаги 7-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидида қуйидаги қишлоқ хўжалик техникалари ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибидида қўйилмоқда: 1-ЛОТ. 1995 йилда и/ч, «ТТЗ-80-10» русумли, д/р 80/025 СА бўлган трактор. Бошланғич баҳоси – 10 938 000 сўм. 2-ЛОТ. 1990 йилда и/ч, «МТЗ-80» русумли, д/р 80/027 СА бўлган трактор. Бошланғич баҳоси – 12 883 000 сўм. 3-ЛОТ. 1984 йилда и/ч, «МТЗ-80» русумли, д/р 80/024 СА бўлган трактор. Бошланғич баҳоси – 9 688 000 сўм. 4-ЛОТ. 1992 йилда и/ч, «Т-28х4МС1» русумли, д/р 80/237 СА бўлган трактор. Бошланғич баҳоси – 7 273 000 сўм. III. 2020 йил 9 июнь кунини соат 12:00да ташкил қилинадиган савдоларга «JONDOR SANOAT SERVIS» МЧЖнинг 13.05.2020 йилдаги 6-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидида қуйидаги қишлоқ хўжалик техникалари ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибидида қўйилмоқда: 1-ЛОТ. 1994 йилда и/ч, «Т-28х4МС1» русумли, д/р 80/236 СА бўлган трактор. Бошланғич баҳоси – 11 588 000 сўм. 2-ЛОТ. 1995 йилда и/ч, «ТТЗ-80» русумли, д/р 80/237 СА бўлган трактор. Бошланғич баҳоси – 11 588 000 сўм. IV. 2020 йил 9 июнь кунини соат 12:30да ташкил қилинадиган савдоларга «JONDOR SANOAT SERVIS» МЧЖнинг 13.05.2020 йилдаги 6-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидида қуйидаги қишлоқ хўжалик техникалари ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибидида қўйилмоқда:

- 1-ЛОТ. 1994 йилда и/ч, «ТТЗ-80» русумли, д/р 80/240 СА бўлган трактор. Бошланғич баҳоси – 11 115 000 сўм. 2-ЛОТ. 1996 йилда и/ч, «Т-28х4МС1» русумли, д/р 80/239 СА бўлган трактор. Бошланғич баҳоси – 8 338 000 сўм. 3-ЛОТ. 1984 йилда и/ч, «МТЗ-80» русумли, д/р 80/238 СА бўлган трактор. Бошланғич баҳоси – 9 688 000 сўм. Такрорий аукцион савдолари Бухоро шаҳри, Х.Т.Бухорий кўчаси, 28-уй манзилида ташкил қилинади. Аукцион савдосида иштирок этиш шартномадаги талабларга қўйилган! 2020 йил 9 июнь санасидидаги аукцион савдоси бўлиб ўтган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2020 йил 16-, 23 июнь саналарида ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманома расмий иш кунлари 09.06.2020 йилдаги савдо учун 08.06.2020 йилга, 16.06.2020 йилдаги савдо учун 15.06.2020 йилга, 23.06.2020 йилдаги савдо учун 22.06.2020 йилга қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик). 13.00дан ташқарида иштирок этиш истагида бўлган талабдорлардан: – «Аукцион ташкилотчиси» билан закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасини тузиб, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда закалат пулининг тўлашлари; – жисмоний шахслардан – паспорт нусхаси; – ҳуқуқий шахслардан – давлат рўйхатидан ўтгани тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, шунингдек, савдода қатнашувчи ишончли вакил учун белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади. Аукцион савдосида қўлибга 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади. Закалат тўлови учун рекузитлар: «BEST AUKSION SAVDO» МЧЖ, СТИР: 305300366, МФО: 00115, банк: «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Бухоро минтақавий филиали, х/р: 20208000300842711002. «Аукцион ташкилотчиси» – «BEST AUKSION SAVDO» МЧЖ. Буюртманомаларни қабул қилиш ёки мулк билан танишиш ҳамда қўшимча маълумотлар учун манзил: Бухоро шаҳри, Х.Т.Бухорий кўчаси, 28-уй (2-қават). Тел: (91) 414-97-00. E-mail: bas\_savdo@mail.ru. Гувоҳнома № 576174

### «BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади

- I. 2020 йил 27 май кунини соат 11:00да ташкил қилинадиган савдоларга Халқ таълими вазирлиғига қарашли «O'quv ta'lim-ta'minot» давлат унитар корхонасининг буюртмасига асосан корхона ҳисобидида қуйидаги автотранспорт воситалари алоҳида ЛОТ тартибидида тақдир қилинмоқда: 1. 1990 йилда и/ч, д/р 75 548 GAA бўлган «Камаз» 5320 русумли (юк) фургон автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 30 586 000 сўм. 2. 2004 йилда и/ч, д/р 70 542 JA бўлган «ТТЗ-80.100» русумли трактор. Бошланғич баҳоси – 39 508 000 сўм. 3. 1987 йилда и/ч, д/р 75 0844 А бўлган «МАЗ 9397» русумли ярим тиркама. Бошланғич баҳоси – 18 665 000 сўм. 4. 1996 йилда и/ч, д/р 01 447 АСА бўлган «ГАЗ 31029» русумли енгил автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 21 480 000 сўм. 5. 1996 йилда и/ч, д/р 60 667 VAA бўлган «DAEWOO ESPERO» русумли енгил (седан) автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 25 066 000 сўм. 6. 1992 йилда и/ч, д/р 01 860 VBA бўлган «ГАЗ 31029» русумли енгил. Бошланғич баҳоси – 14 535 000 сўм. 7. 2005 йилда и/ч, д/р 75 912 OAA бўлган «ГАЗСГП ГАЗ-31105-411» русумли енгил автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 26 371 000 сўм. 8. 2005 йилда и/ч, д/р 01 183 XAA бўлган «Нексия» русумли енгил (седан) автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 29 530 000 сўм. 9. 1986 йилда и/ч, д/р 40 2183 AA бўлган Д-55 русумли тиркама. Бошланғич баҳоси – 6 055 000 сўм. 10. 1988 йилда и/ч, д/р 01 955 EBA бўлган «Камаз 53212» русумли юк (фургон) автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 61 664 000 сўм. 11. 1995 йилда и/ч, д/р 95 576 FAA бўлган «Тико» русумли енгил автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 12 154 000 сўм. 12. 1998 йилда и/ч, д/р 95 583 FAA бўлган «Тико DLX» русумли енгил автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 13 251 000 сўм.

- 13. 1987 йилда и/ч, д/р 30 186 AAA бўлган «ГАЗ 5312» русумли юк (бортли) автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 32 363 000 сўм. 14. 2003 йилда и/ч, д/р 01 051 KCA бўлган «Тико» русумли енгил автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 20 401 000 сўм. 15. 1987 йилда и/ч, д/р 01 861 VBA бўлган «ЗИЛ 431410» русумли юк (бортли) автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 51 961 000 сўм. 16. 1990 йилда и/ч, д/р 01 859 VBA бўлган «ЗИЛ ММЗ 34502» русумли юк автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 49 676 000 сўм. 17. Бошланғич баҳоси – 51 008 000 сўм. 1991 йилда и/ч, д/р 40 788 EAA бўлган «ЗИЛ 431410» русумли юк (бортли) автотранспорт воситаси. 18. 1996 йилда и/ч, д/р 01 954 САА бўлган «Нексия» русумли енгил (седан) автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 13 629 000 сўм. 19. 2005 йилда и/ч, д/р 01 838 VBA бўлган «Нексия» русумли енгил (седан) автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 31 401 000 сўм. 20. 2006 йилда и/ч, д/р 01 821 TBA бўлган «Нексия» русумли енгил (седан) автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 35 817 000 сўм. 21. 2005 йилда и/ч, д/р 80 539 SAA бўлган «Нексия» русумли енгил (седан) автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 34 913 000 сўм. Талабдорлар диққатига! ЛОТ бўйича аукцион савдоси 2020 йил 27 май кунини бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2020 йил 3-, 10-, 17-, 24 июнь ҳамда 1 июль кунлари соат 12:00да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2020 йил 27 май кунидида савдо учун 26 май, 3 июнь кунидида савдо учун 2 июнь, 10 июнь кунидида савдо учун 9 июнь, 17 июнь кунидида савдо учун 16 июнь, 24 июнь кунидида савдо учун 23 июнь, 2 июль кунидида савдо учун 1 июль

кунига қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик). Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабдорлардан: – «Аукцион ташкилотчиси» билан тузилган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридида закалат пулининг тўлашлари; – жисмоний шахслардан паспорт нусхаси; – юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтгани тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, шунингдек, раҳбарнинг паспорт нусхаси, савдода қатнашувчи ишончли вакил учун белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлар томонидан ҳар бир мулк бўйича алоҳида энг ҳам ойлик иш ҳақининг икки баробари миқдорда ва (яна) қўшимча хизматлар учун пул тўловларини тўлашлари ҳамда аукцион савдоси қолиб бўлган талабдорлар томонидан аукцион ташкилотчисининг ҳисобрақамига мулк сотилиш нарҳининг 1 (бир) фоизи миқдорда комиссиясini йиғими тўлаб берилади. Аукцион савдоси қолибга 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади. Закалат тўлови учун рекузитлар: «BEST AUKSION SAVDO» МЧЖ, х/р: 20208000500842711001, банк: «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали, МФО: 00452, СТИР: 305300366. Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан корхона ходими иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин. Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темура 1-тор кўчаси, 2-уй. Тел: (99) 862-16-71. E-mail: bas\_savdo@mail.ru. Гувоҳнома № 576174.

- Ҳўдудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22. Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23. Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31. Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34. Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02. Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28. Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44. Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26. Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55. Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32. Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24. Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01. Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27.

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилгани шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтани назардан фарқлангани мумкин.

Навбатчи муҳаррирлар: А.Абдураҳмонов, Ж.Наҳонов. Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов.

Босишга топшириш вақти – 22:00. Топшириш бўлими:

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилади. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма Т – 517. 30062 нускада босилади. Нашр кўрсаткичи: 133.

Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳаққасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Тахририят ҳисобномаси: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Iprotka bank» Яншобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги Янгийўл хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи (Янгийўл педагогика коллежи) томонидан 29.06.2013 йилда Шайхова Зебиниса Абдулазиз қизи номига берилган К№3115823 рақамли диплом (рўйхат рақами - 99) йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳри, Олмазор туманидаги 15-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1987 йилда Барабанчиқов Наталья Викторовна номига берилган №078509 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳри, Олмазор туманидаги 15-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1987 йилда Барабанчиқов Наталья Викторовна номига берилган №078509 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.